


# Qorovulbozor tuman axborot – kutubxona Markazi Axborot – Bibliografiya xizmati

Shoir va tarjimon.

(Sulaymon Shodiyev tavalludining (1951) 75 yilligiga  
bag`ishlab)

*Adabiyotlar sharhi*




Qorovulbozor - 2026





Sulaymon Shodiyev – 1951 yilda Shofirkon tumaning Denov qishlog`ida tug`ilgan. 1982 yillf BDPI o`zbek filologiyas fakul`tetini o`qib tugatgan. Ijodiy afjkbznbyb 1976 yilda Kogon tuman gazetasida boshlagan.1979-1986 va 1993 – 1993 yillarda O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Buxoro viloyat bo`limida adabiy maslahatchi, 1993-1996 yillarda “Qorovulbozor tongi” , 1996-2015 yillarda “Kogon hayoti” gazetalariga muharrirlik qilgan. 2016 yildan “Buxoro viloyat bosmonaxonasi” MCHJ nashriyotida muharrir bo`lib ishlamoqda.Sulaymon Shodiyev she`riyat yo`nalishida ijod qiladi. 1984 yildan O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a`zos Uning 1988 yilda “ Yangi oy chiqqan kecha” 1992 yilda “ Qanotsiz qush” keyingi yillarda “Sevganim bir yor edi” (g`azallar), “ Buxoroda bir qiz yashaydi”, “Ishq fasli” , “Orz bekati” , “Xayol” , “ Ey, muhabbat!” (g`azallar), “Sen uchun yashayman” (2015 yil), “Men izlagan gul” (2017 yil), “Ko`zgu to`plamlari bosilib chiqqan. 1987 yilda taniqli shoir Toshpo`l Ahmad bilan hamkorlikda Ozarbayjon yozuvchisi Gulhusay o`g`lining “Gul umri” kitobini tarjima qilgan . Ijodkorning ko`plab she`rlariga musiqa bastalangan va taniqli xanandalar tomonidan ijro etilgan.





*Sulaymon Shodiyev she'riy to'plamlari*



**Шодиев, С. Эй муҳаббат : С. Шодиев - Бухоро : « Дурдона»  
Нашриёти » 2011. – 140 б.**



Ушбу тўплам шоирнинг мумтоз адабиётмиздан илҳомланиб, бу йўланишда ижод қилган адабиётимиз вакилларига пайравлик қилиб яратган шеърларидан иборат. Маълумки, аруз жанри мураккаб ва унинг ўзига яраша талаблари бор. Китобдаги ғазал ва мухаммасларни ўқиб, мазкур жанрда ҳам ижод қилишга бел боғлаган шоир маълум даражада ўз мақсадига эриша олган, дейиш мумкин. Шоирнинг бу йўналишдаги ижод намуналари бир неча марта “ Шарқ юлдузи” журналида чоп этилгани, таниқли бастакорлар томонидан уларга куй басталагани бунга далил бўла олади.

Шодиев , С . Кўзгу : Шеърлар / С. Шодиев – Бухоро :  
" FAN VA TA`LIM " 2023. – 152 б.

Улаймон ШОДИЕВ

КЎЗГУ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлиги хомийлигида нашр этилган китобдан шоирнинг тўнча йилларда ёзган манзумалари ўрин олган. Китобда шеърлар мавзу – мундарижаси турлича, аммо уларнинг мазмунан шоир тафаккурининг яхлит ифодасидир. Томчида қуёш акс этганидек, Ватан , одамийлик, табиқат ёхуд инсоний муҳаббат куйланган энг жажжи шеърлар ҳам шоир ўз қалбини намоён этади. Шеър яратилиши жараёнидаги ижодкорнинг ички кечинмалари шеърнинг қалбига таъсир эта олса, шоир ўз мақсадига етиши мумкин. Мазкур китоб ана шундай ишларнинг намуналаридан таркиб топган.

Шодиев, С. Хаёл : Шеърлар /  
С. Шодиев – Бухоро : 2010. – 131 б.



Шоир хаёлот одами. У яратган шеъринг намуна энг аввал хаёлида шаклланади, такомилга етади. Шундан сўнг шеър қоғозга кўчади ва сайқал топади. Шоирнинг тахайюл олами ёғдуга йўғрилган бўлса, бу ёғду ёзганларида ҳам акс этиб туради. Шоир хаёлининг маҳсули бўлган ушбу китобдаги манзумалар шеърхонни бефарқ қолдирмайди. Уларда Ватанга, унинг бой тарихига муҳаббат, замондошларнинг орзу ва мақсадлари, чин инсоний севги ғоялари тараннум этилади. Шунингдек, китобдан шоирнинг қардош халқлар шеъриятидан қилган таржималари ҳам ўрин олган.

Шодиев, С. Орзу бекати : [ Шеърый тўплам]

С. Шодиев – Бухоро : “Бухоро нашриёти”, 2006 . - 106 б.



**Ватан ҳақида ёзилган шеърнинг ёмони бўлмайди. Ватан ҳақида шеър ёзмаган шоирнинг ўзи бўлмаса керак. Шоирлар бу борада ўз овози ва нигоҳи билан бир –бирларидан фарқ қиладилар. Шоирнинг ушбу китобига киритилган Ватан ҳақидаги қасида ва қатор шеърлари ўз оҳанги, бўёқлари билан кўнгилга яқин. Шоир тасвирлаган саҳродаги гиёҳ, тоғлар бошидаги адабий қор, минг йиллик овори атиқанинг мўъжаз парчасида ҳам Ватан суврати мужассам. Инсоний муҳаббат, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат ҳақидаги шеърларида ҳаёт фалсафаси, умрнинг ғаниматлиги, даврга ҳамоҳанглик, қаламга олинган.**

Шодиев, С . Бухорода бир қиз яшайди : Шеърлар / С. Шодиев // Бухоро. 2001. – 24 б.



**Сулайман Шодиев : Шоир кўп. Ёзилган ҳар бир шеър қўшиққа айланавермайди. Бастакорлар, ҳофизлар одатда равон ёзилган, айтилганда сўзларини кенг тингловчилар қатлами бирдай тушунадиган матнларни танлайдилар. Табиат, Ватан, Муҳаббат, панд - насихат мавзусида бўладими, шеър сўзлари содда бўлиши, аynи пайтда янги фикр ва маъно касб этса, қўшиқ таъсирчан ушбу китобга қўшиқ, шеърларини танлаб киритган.**


Шодиев , С. . Мен излаган гул : Шеърлар / С. Шодиев // Бухоро  
2017 – 260 б.

Сулаймон ШОДИЕВ

## МЕН ИЗЛАГАН ГУЛ



Ҳар бир ижодкор ўз даврининг одами,  
яшаётган замонининг фарзанди. Шоир ёзган ҳар би  
шеърда замоннинг, ўз даврининг нафаси сезилиши,  
ранглари товланиб туриши керак. Шу нуқтаи  
назардан қараганда, мазкур тўпلامдан ўрин олган  
кўплаб шеърларда бугунги ҳаёт, эртанги кун ишқи  
Билан яшаш орзулари ўз аксини топган. Шоир  
қанча шеър ёзмасин, ёзганларидан кўнгли барибир  
тўлмайди ва изланишда давом этади. Шоир излаган  
гул – яхши шеър




Шодиев, С. Севганим бир ёр эди : Шеърлар / С. Шодиев  
// Бухоро. : 2003. – 70 б.

Номи анча илгари шоирнинг қўшиққа айланган бир шеърдан олинган мазкур китобдан аруз услубидан ёзилган манзумалар ўрин олган. Маълумки, бу жанр ўзбек мумтоз шеърятининг сарчашмаси ҳисобланиб, йигирманчи аср охирларигача бадий ижоднинг асосий услуби ҳисобланарди. Рус ва Ғарб шеърӣ услубларининг, шаклларининг Кириб келиши туфайли кўп йиллар давомида аруз жанри унутилгандай бўлди. Ўтган аср охирларида кўплаб шоирларимиз бу жанрда ҳам бадий иқдидорларини намойиш этдилар. Ушбу тўпламда шоирларнинг турли йилларда ёзган ғазаллари мухлисларга тақдим этилган.



Шодиев, С. Сен учун яшайман : [ Шеърый тўплам ]  
С. Шодиев – Бухоро . : “ Наврўз нашриёти ”, 2015. - 93 б.



Муҳаббат мавзуси деярли барча шоирларнинг ижодида ўз ифодасини топган. Муҳаббат кенг маънодаги тушунча. Кимгадир қилинган яхшилик, айтилган ширин сўз, яхши ният билан бир жуфт ниҳол ўтказиш замирида ҳам муҳаббат ётади. Ватанга , ота – онага , табиатга, дўстлар, суюкли ёр бўлган муҳаббат туйғуларнинг энг олижанобидир. Мазкур тўпламдан ана шундай мазмундаги шеърлар ўрин олган.



lenovo

*Hurmatli kitobxonlar! Qorovulbozor tuman Axborot-kutubxona markazi Sulaymon Shodiyev she`riy to`plamlarini o`qishni tavsiya etadi. Quyida sizlarga tavsiya etilgan adabiyotlar kutubxonamiz javonlaridan o`rin olgan. Marhamat, tashrif buyuring va ushbu adabiyotlardan bahramand bo`ling!*



<https://www.facebook.com/QorovulbozorTAKM>



<https://www.instagram.com/akmqorovulbozor/>



<https://t.me/KITOBSEVARI>



[t.me/qbllibuz](https://t.me/qbllibuz)

E'tiboringiz uchun raxmat!

